

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек асарларида тўқимачилик саноатини ривожланишига қўшган ҳиссалари

Талаба. С.Жўрақулова.,

доцент. Д.Назарова

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Мамлакат ва минтақаларнинг устувор иқтисодий ўсишини таъминлашнинг йўли замонавий босқичда айнан таълим сифатини ошириш соҳаси билан белгиланади. Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек 1905 йили Тошкент шаҳрида бўзчи оиласида туғилган. Олдин ўрта мактабда, 1922-1925 йилларда эса Тошкент таълим ва тарбия техникумida таҳсил олган. Сўнгра Ўрта Осиё Давлат университетининг ижтимоий фанлар факультетида ўқиган. 1930 йили ўқишни битириб, олий мактабларда сиёсий иқтисоддан дарс берган. Ойбек адабиётга 1926 йили чоп этилган “Туйғулар” шеърий тўплами билан кириб келган. Шоирнинг “Дилбар - давр қизи” (1931), “Ўч” (1932), “Бахтигул ва Соғиндик” (1933), “Темирчи Жўра” (1933) достонлари ўз даврининг энг гўзал шеърий солномалариdir. Ойбек тарихий ва замонавий мавзуларда йигирмага яқин достонлар яратган. Ойбек моҳир шоир бўлгани каби етук романнавис ҳамдир. У яратган “Қутлуғ қон”, “Навоий”, “Улуғ йўл”, “Олтин водийдан шабадалар”, “Қуёш қораймас” каби романлари ўзбек реалистик романчилиги тараққиётида муҳим бир даврни ташкил этади. Ислоҳотлар самараси хусусан шахснинг касбий маҳорати билан чамбарчас боғлиқ. Ойбек истеъдодли шоир, йирик носир бўлибгина қолмай, машҳур олим, публицист, танқидчи ва таржимон, давлат ва жамоат арбоби ҳамдир. Ойбек 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясига ҳақиқий аъзо этиб сайланган ва 1950 йилгacha академияда ижтимоий фанлар бўлимининг раиси лавозимида фаолият юритган. У юқори малакали филологлар тайёрлашга катта ҳисса қўшган мухтарам устоздир. Ойбек ўзининг асарларида ўқитувчи-мураббий ўқувчи шахсининг маънавий-ахлоқий дунёсини ўзгартириш, унга шеърий тўпламлари, асарлари асосида таъсир кўрсатиш орқали ундаги бор имконият ва қобилиятларни юзага чиқаришни ёритган. Бу эса ижтимоий фаол ва малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлашда катта ахамият беради.

Шу билан бир қаторда, “...миллий тафаккур салоҳиятига эга бўлган истеъдодли ёшларни тарбиялаш ва уларни қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиш лозим”¹ Таълим жараёнини

¹ Мирзиёев Ш.М. Конун устуворлиги ва инсон манбаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаравонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017, 48-б.

индивидуаллаштириш, интеграциялаш ва унинг самарадорлигини таъминлаш орқали фуқаролик жамиятининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, билим эгаллашнинг мустақил, фаол ижодий метод ва усулларини таъминлаш ва унинг илмий-амалий технологияси билан чамбарчас боғлиқдир. Ойбек ўз асарларида ҳам кўпдан кўп соҳаларни қамраб олган мавзуларда ёзилган. Айниқса тўқимачилик соҳаси бўйича ўзи бўзчи оиласида таваллуд топганигами бу соҳани кўпроқ асарларида ёритган. Бунга мана бу жумладан “Кафтига қуёш қўндирилгандаи чараклаган, кенг чорхари меҳмонхонада янги явмуд гилам устида тифиз давра қурган қўноқлар, яқин дўстлар самимий суханварлик ила сұхбат қилурлар” бундаги ёритилган гилам бизнинг тўқимачилик соҳасидаги янги очилган йўнилишни давомий бўлишига сабаблардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 60-сон “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида»ги Фармони², 2020 йил 8 октябрдаги 5847-сон Ўзбекистон Республикаси “Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармойиши³, Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2020 йил 23 сентябрдаги 637-сонли “Таълим тўғрисида”ги қонуни⁴ ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда Ойбек шеърияти ниҳоятда гўзал бўлиб, ўзининг содда, равон ва ифодали тилда, бой ва ранг-баранг тасвирий воситаларда яратилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ойбекнинг эл-юрт олдидаги хизматлари муносиб баҳоланиб, унга Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти, “Буюк хизматлари учун” унвонлари берилган.

Ёзувчи асарлари ўзбек адабиётиниг жаҳонаро шуҳратини янада ошириди. Устоз маҳорати ёш ёзувчилар учун ижод дорилфунунига айланди. Ойбекнинг ўлмас асарлари маънавий хазинамиздан мустаҳкам ўрин олди ва умумхалқ мулки бўлиб қолди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. <https://sputniknews.uz/20231020/oybek-biografiya-40171629.html>
2. Пулатов Х. Ўзбекистон халқ санъати (Народное искусство Узбекистана). Тошкент. Фоғур Ғулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриёти.1987 й. 123 б.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида. ПФ-60-сон. 28.01.2022// <https://lex.uz/docs/5841063>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойиши. 8 октябрь 2020 йил. <https://aza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-oliy-talim-tizimini-2030-yilgacha-riv-09-10-2019> .

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 637-сонли “Таълим тўғрисида”ги 2020 йил 23 сентябрдаги Қонуни. <https://lex.uz/docs/5013007> .